

Куч—адолатда



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 12 октябрь, № 34 (227) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

1999 йил 9 октябрь
куни Тошкентда
Ўзбекистон «Адолат»
социал- демократик
партиясининг
II Қурултойи
бўлиб ўтди

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING II ҚУРУЛТОЙИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1999 йил 9 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг II Қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултойни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов очди. Шундан сўнг Қурултойнинг ишчи органлари, хайъат, котибият ва бошқа комиссиялари сайланди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов Қурултойнинг кун тартибидagi масалалар билан делегатларни ва меҳмонларни таништирди:

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг ҳисоботи ва партиянинг сайловолди дастурини тасдиқлаш тўғрисида.

2. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод курсатиш тўғрисида.

4. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар курсатиш ҳақида.

5. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашини сайлаш тўғрисида.

6. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида.

Қурултойда делегатлардан тушган таклифлар инobatга олиниб, унинг кун тартибидagi учинчи масала — «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод курсатиш тўғрисида»ги масала биринчи бўлиб қўриб чиқилди. Бу ҳақда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов маъруза қилди. (Маъруза матни газетда эълон қилинмоқда).

Қурултойда «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод курсатиш тўғрисида»ги масала кизгин музокараларга айланиб кетди. Кўпчилик делегатлар бир овоздан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб Ислам Абдуганиевич Каримовни курсатдилар ва бу ҳақда Қурултойнинг яқдил қарори қабул қилинди. Қарорни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши котиби, таҳрир комиссияси раиси Тўхтамурод Тошев ўқиб эшиттирганда зални гулдурос қарсақлар босиб кетди.

Шундан сўнг Ўзбекистон «Адолат» социал-

демократик партияси Сийёсий Кенгашининг ҳисоботи ва партиянинг сайловолди Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги масала қўриб чиқилди. Бу ҳақда партия Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов маъруза қилди. Маърузадан сўнг бўлиб ўтган музокаралар чоғида сўзга чиққан делегатлар партиянинг 1995-1999 йиллардаги иш фаолиятини маъқуллаб, қониқарли деб топдилар ва кизгин куллаб-қувватладилар.

Қурултойда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий тафтиш комиссияси раиси Ғайрат Эшонхўжаевнинг маърузаси тинланди.

Маърузалар юзасидан музокараларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Тўхтамурод Жураев, Жиззах вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Қудратилла Рафиқов, партия Сийёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов, «Марказий Осиё маданияти» газетаси Бош муҳаррири Анвар Журабоев, Тошкент вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Эргашев, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани партия Кенгашининг биринчи котиби Турсунай Салимова, Олий Мажлис Раиси уринбосари Акмал Қосимов, партия фаоли, Ўзбекистонда хизмат қўсатган фан арбоби Санъат Азизова, «Файз» ҳолдинг компанияси раиси Мукаррамхон Азимова, Наманган вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Ҳакимжон Халилов, Олий Мажлис Раиси уринбосарининг ёрдамчиси Низомидин Нурматов, Андижон вилояти партия Кенгашининг котиби Қосимжон Турдалиев ва бошқа делегатлар сўзга чиқдилар.

Қурултой ваколат комиссияси таклифига мувофиқ делегатларнинг ваколатларини тасдиқлади.

Танаффусдан сўнг Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудовнинг «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар курсатиш ҳақида»ги маърузаси тинланди. Партиядан Олий Мажлис депутатлигига курсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг янги таркиби сайланди.

Қурултойда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қурултой ишида жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, Марказий идоралар вакиллари, республикада фаолият қўсатётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этдилар.



Тўхтамурод ЖўРАЕВ

ФИДОЙИЛИК

Нима керак Ватанга бугун:
— Фидойилик ҳамда хушёрлик,
Ечилар бўлса қанча тугун,
Барча бирдай кўрсатса мардлик
Ва ҳар ишда бўлса ҳамкорлик.

Ватанпарвар бўлурми киши
Ул қалбда ёнмаса юрак,
Фиску-фасод туриш-турмуши
Ва покиза бўлмаса тилак,
Унинг юртга нимаси керак?

Эл дардини сезмасе қалбим,
Ёмонларни йўлга солмасам,
Истиклолдан бермасам таълим
Не фойдам бор Ватанга менинг
Келажакни порлоқ кўрмасам.

Қўлни-қўлга берайлик дўстлар,
Ўзбекистон гуллаб яшнасин.
Олга қараб юришимиздан
Душман зоти куйиб қакшасин,
Рақиблар ҳам тилин тишласин.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ II ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси II Қурултойи қарор қилади:

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминовнинг «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод курсатиш тўғрисида»ги маърузаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан номзод этиб Ислам Абдуганиевич Каримов номзоди курсатилсин.

Тошкент шаҳри
1999 йил, 9 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ II ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси II Қурултойи қарор қилади:

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудовнинг «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар курсатиш тўғрисида»ги маърузаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати тасдиқлансин.

Тошкент шаҳри
1999 йил 9 октябрь.

ЙЎЛИМИЗ АДОЛАТ ЙЎЛИДИР...

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши биринчи котиби Турғунпўлат Даминовнинг

МАЪРУЗАСИ

Азиз ва қадри дўстлар! Она дивримиз мустақилликка эришганидан сўнг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётимизда кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй бера бошладди. Юртимизда миллатлараро тотувлик урнатилди ва раванқ топмоқда. Агар Ватанда тинчлик бўлса, ҳам-жихатлик бўлса, демакки, у юрт, у дивр гуллаб яшайди, улуси эса фаровон ҳаёт кечиради.

Мухтарам ватандошлар, азиз партиядошлар! Сизу бизни мана шундай ойдин йўлга олиб чиққан, доғру элларга кетган мард, доғрурак, элпарвар Юртбошимиз борлигидан кўнглимиз ифтихор туйғулариға тўлади ва яратганга шукроналар айта-миз.

Дунё тамаддунига азал-азалдан улкан алломалар, ҳукмронлар, лашкарбошилар, беназир қалам соҳибларини отқазиб берган ул-камиз яна ўз аънасиға со-диқ қолди. Буюклидан буюклик туғилгани сингари халқимиз том маънодаги улугвор халқлар сирасида эканини яна бир қара исботлади: мамлакатимиз учун масъулиятли тарихий паллада мушкулни осон қилувчи, йулчи юлдуз вазифини утайдиган йулбошини ўз хизматиға камарбаста қилиб қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов оғир тарихий вазиятда давлат тепасиға қолди. Маълумки, халқ со-биқ Иттифок яшаш учун жон

олиб жон бераётган чоғда бошқа республикалар қатори Ўзбекистон ҳам мушкул ахволға тушиб қолганди. Мана шундай қийин шароитда халқимизни тўғри йўлдан дадил бошлайди-ган йулбоши сув билан ҳаво-

дек зарур эди. Бу масъулиятли вазифани юртпарвар инсон, зукко ва доно раҳбар Ислам Каримов ўзининг зиммасиға олди. Ва ўзбек халқини, ўзбек миллатини мустақиллигининг ёрқин уфқлари томон бошлади.

Бу эса, бизға берилган битмас-туғанмас эркинлик эди, саодат эди, ҳуррият эди.

Ахир ўзини ўйлаб қўринг, тарихда ўзбек халқи қачон бу қадар эмин-эркин яшаган?!

Буларнинг барчаси Мустақиллигимиз, ўзининг сардори Ислам Каримов саъй-ҳаракати туфайлидир.

Мустақиллик ўз-ўзидан келгани йўқ. Халқимиз не-не азоб-уқубатларнинг гувоҳи бўлди. Ҳар бир халқнинг тақ-дири хал буладиган тарихий бурилиш нуқталарида унга ўзининг буюқ фарзандлари оталик қилади ва бунга тарихда мисоллар кўпдир. Жа-ҳон Амир Тўмур, Махатма Ганди, Вашингтон, Мустафо Камол Отатурк каби миллат оталарининг номларини ях-ши биледи. Биз ҳам ўзимиз-нинг юртбошимиз, Президенти-миз Ислам Каримов билан чексиз фахрланамиз ва гу-рурланамиз, десам, азиз сафдошлар, наинки сизнинг, балки, айни вақтда бутун эл-юртимизнинг хоҳиш иродаси-ни ифодалаган буламан, деб уйлайман.

Маҳалларда, турли йи-гинларда салкам юз йили қоралаб қўйган мўсафидларимиз, оталаримиз Президентимизни меҳр билан бағриға олганларида, нуруний она-хонларимиз раҳбаримиз шаъ-ни учун дуоға қўл оғанла-рида киши ҳаяжондан жун-бушға келадики, бундай хол-ларда менга ўшбу доно ва камтарин Инсонни даярли 25 миллионлик халқимиз бир жон — бир тан бўлиб бағри-ға босаётгандек, ўнинг шав-кати учун дуоға қўл очаёт-гандек бўлиб туюлади. Зотан, аслида ҳам шундай. Бу гўё моҳият эътибори билан Адо-латнинг намоён бўлиши, Адо-латнинг юзаға чиқishi, Адо-латнинг тантанасидек қўри-нади.

(Давоми 2-бетда).

АСАКАЛИКЛАР ҲАР ЖАБҲАДА ПЕШҚАДАМ

Асакаликлар ҳар соҳа-да пешқадамлик нашида-сини сураётирлар. Мус-тақиллик йиллари туман пахтакорлари йиллик ре-жаларини мамлакатда уч марта биринчи бўлиб ба-жардилар. Мухтарам Пре-зидентимиз Ислам Кари-мов ҳар гал асакаликлар-ға табрик мактуби йўллаб, қўтлаганидан нафақат асакаликлар, балки бутун Андижон меҳнатқашлари-нинг бошлари осмонға етади.

Туманда 1999 йил ҳо-сили учун қарийб олти минг гектар майдонға «Фаргона-3» нави экилиб, гектарида 28,2 центнердан оқ олтин йиғишти-риб олиш режалаштирилганди. Режа-лар муддатидан аввал, ортиги билан бажарилди. Бугун ҳам далаларда ҳо-сил бор. Иймонли одамлар аҳдига ва-фо қиладилар. Асакаликлар ҳар гек-тар пахта майдонидан олинадиган ҳо-силни 35 центнерға отқазиш учун бел боғлаганлар.

Шоир Оразий «роҳат муяссар бўл-мас, то чекмасанг машаққат» деб бе-жиз қуйламаган. Меҳнатдан келса бой-лик барокатлидир. Туман ҳокими Тилаволди Ёқубов юртбошимизнинг асакаликларға бу йил йўллаган макту-бини тулқинланиб ўқийди, «Ишончим



Дилмурод КИРФИЗБОВЕВ,
«Адолат» муҳбири.
СУРАТДА: туман ҳокими Тилавол-ди Ёқубов ва миришкор пахтакор Олимжон Мехмонов,
Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

«ОБУНА — 2000»

АДОЛАТ — дунёда тенги йўқ сўз. Унинг куч-қудратини хис этмаган одам йўқ ҳисоби. Буюқ соҳибқирон ҳам «Куч — адолатда!» деб бежиз айтмаган. Ота-боболаримиз доимо адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашганлар.

Бугунги кунда кўпнинг сонли ўқув-чиларининг севимли газетасиға айла-ниб қолган «Адолат» ҳам бу улмас аъналарни давом эттириб, адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашмоқда. «Адолат» ноҳақлик ва кузбуямачилик-ларға, жамиятға ёт бошқа ҳар хил ил-латларға қарши курашда уткир қурол-

ға айланиб бормоқда.

Газета 2000 йилда ҳам Сиз азиз ўқувчиларнинг энг яқин суҳбатдоши-ғиз, маслаҳатгўйингизға айланади.

Ҳозир ҳамма жойда — барча алоқа, почта бўлиmlарда 2000 йил учун «Адо-лат» газетасиға обуна кизгин давом эт-моқда.

«Адолат» газетасининг обуна баҳоси: 12 ойға — 2952 сўм.

Нашир кўрсаткичи: 100.
Фурсатни бой берманг, «Адолат» га-зетасиға обуна бўлинг! «Адолат» йил давомида сизнинг энг севимли ҳам-роҳингиз бўлсин!

